

КОСМИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни космик мониторинг орқали янги иқтисодий имкониятларни аниқлаш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик маълумотлардан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Хусусан, Президентнинг 30 сентябрдаги фармони билан бу борадаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди. Рақамли технологиялар вазирилик хузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги геология, ер муносабатлари ҳамда экология соҳасида йилига камида уч марта давлат космик мониторингини ўтказиши белгиланди, агентлигининг ҳудудий вакиллари лавозими жорий этилди.

Таъкидланганидек, эндиликда космик таҳлиллар ёрдамида иқтисодиётга катта туртки берадиган янги имкониятларни аниқлаш лозим.

Республикада ҳар йили юзлаб фойдали қазилма конлари ва карьерлар аукционга чиқариляпти. Тадбиркорларга имконият яратилиб, конларга сановат олиб кирилмоқда. Мисол учун, ўтган йили 170 та, йил бошидан эса 172 та кон аукционда сотилган.

Лекин конлардан рухсатсиз фойдаланиш муаммоси ханузгача долзарб экани, йил бошидан космик мониторинг ёрдамида 2 мингдан зиёд шундай ҳолат аниқлангани қайд этилди.

Бош прокуратура зиммасига иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш

ва уларни ўз вақтида фош этишда ер, ишлаб чиқариш объектлари ва конларни сунъий йўлдош орқали таҳлил қилиш маълумотларидан самарали фойдаланиш вазифаси қўйилди.

Сўнгги йилларда ўзбошимчилик билан қурилган 1 миллион 365 мингта уй-жойга кадастр расмийлаштириб берилган. Лекин ҳалигача бундай ноқонуний қурилишларга тўлиқ барҳам берилгани йўқ. Йил бошидан 33 мингдан зиёд ўзбошимча қурилиш аниқланган бўлса, уларнинг кўпи қишлоқ ҳўжалиги ерларида жойлашган.

Шу муносабат билан қисқа муддатда тегишли ахборот платформаларини интеграция қилиб, ноқонуний қурилиш ҳолатларини тезкор ўрганиш ва бартараф этиш имконини берадиган тизим яратиш топширилди.

Тақдиротда космик мониторинг асосида жойларда бўш турган ерларни аниқлаш ва иқтисодий активга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг олтига ҳудудидо олиб борилган ўрганишлар натижасида 300 гектарга яқин бўш ерлар аниқланди. Биргина Тошкент шаҳрида 95 гектар бўш ер участкаси топилиб, аукционга чиқарилган.

Президентимиз бу йил яна 8 та ҳудудда, келгуси йилда барча туман марказларида ўрганишларни охирига етказиш вазифасини қўйди.

Соҳада халқаро тажриба ва илғор ечимларни фаол жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Мутасаддилар бу борада ишлаб чиқилган лойиҳалар юзасидан ахборот берди.

Жумладан, космик маълумотларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, дарахтлар кесилиши, метан газ сизиб чиқиши, қуёш панелларининг самарадорлиги, йўл қопламасининг ҳолати, темир йўл ва электр тармоқларидаги носозликлар ва ортиқча юкларларини аниқлаш ишларини ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, тақдиротда космик соҳада таълим экотизимини яратиш, космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш, йўлдошли алоқа технологияларини жорий этиш орқали мамлакатимизнинг олис ҳудудларида алоқа қамровини ошириш бўйича таклифлар қўриб чиқилди. 2028 йилда Самарқандда ўтказиладиган Халқаро астронавтика конгрессида пухта тайёргарлик қўриш юзасидан топшириқ берилди.

ЎЗА

ПОЙТАХТДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИКНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга пойтахтни комплекс ривожлантириш, саноат ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш масалалари юзасидан ахборот берилди.

Тақдиротда “Янги авлод” махсус саноат зонасини ривожлантириш режалари қўриб чиқилди.

774 гектар майдонда ташкил этилган мажбурий ҳудудда ҳозиргача 268 гектарда 28 та лойиҳа амалга оширилмоқда, уларнинг умумий қиймати эса 800 миллион долларга тенг. Яна 300 гектарда жойлашадиган 30 та лойиҳа бўйича инвесторлар аниқланган бўлиб, умумий инвестицияларнинг ҳажми 400 миллион долларни ташкил этади.

Саноат зонасини янада кенгайтириш ва янги қувватларни жойлаштириш ҳисобига иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматли ҳамда технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Масалан, саноат зонаси ҳудудидо 288 миллион доллар инвестиция ҳисобига

мультимодал логистика терминали барпо этиш лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди.

Лойиҳа Дубайнинг “DP World” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилади. Терминал ишга тушгач, пойтахт ва Тошкент вилоятининг логистика имкониятлари кенгайди, экспорт ва импорт операциялари тезлашади.

Пойтахтда йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, Шота Руставели кўчасидаги тажрибадан келиб чиқиб, “BRT” тизими (Bus rapid transit) асосида яна 10 та кўчада шундай қурилиш ишлари бошланади.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт оқимини тартибга солиш ва шаҳар қиёфасини ягона дизайн-код асосида такомиллаштириш мақсадида

ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳам муҳо-кама қилинди.

Келгуси йилда маҳаллаларни ободонлаштириш, гастрономик кўчалар қуриш ва суғориш тизимларини янгилаш ишларига маҳаллий бюджетдан 1 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди.

Президентимиз пойтахтдаги янгиланишлар инсонлар учун қулай ва замонавий яшаш муҳитини яратишга, иқтисодий фаоллик ва тадбиркорлик салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Тақдирот давомида бошқа ҳудудлардаги йирик лойиҳалар юзасидан ҳам маълумот берилди. Жумладан, Бухоро шаҳрининг сайёҳларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш режалари қўриб чиқилди.

ЎЗА

МАҲАЛЛА — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАЯНЧИ

Маҳалла ўзбек халқининг бирдамлиги ва меҳр-оқибати ифодасидир. Бугун у оддий ташкилий бирлик эмас, балки фуқаролик жамиятининг таянчи, халқ билан давлат ўртасидаги муҳим кўприкка айланган.

Ислохотлар натижасида маҳалла тизими янгиланиб, инсон манфаатига хизмат қилувчи, ҳаётий муаммоларга ечим толувчи замонавий, ижтимоий институтлардан бири сифатида шаклланди. Хусусан, маҳалла

тизимда “еттилик” вертикали жорий этилганидан кейин юрдошларимиз кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам каби 100 дан ортиқ хизматлардан маҳалладан чиқмай фойдаланадиган бўлди.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чоралар натижасида 7,5 миллион кишининг камбағалликдан чиқишига эришилди, ишсизлик даражаси икки баробар камайди. Шунингдек, 3,5 минг маҳалла замонавий қиёфага кирди. Маҳалла раислари ваколат муддатининг 3 йилдан 5 йилга узайтирилиши фаолият барқарорлиги ва масъулиятини оширди.

Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ДАРАЖАГА ЧИҚҚАН Миллий модел (Иккинчи мақола)



Ислохотлар марказида инсон бўлса...

Жорий йил 17-18 сентябрь кунлари Наманганда ўтказилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа учун долзарб воқеалик бўлди. Форум очилишида Президентимиз иштирок этиб, дунёдаги глобал беқарорлик, иқтисодий инқирозлар ва иқлим ўзгаришлари ортидан юзага келаётган камбағаллик муаммосига эътибор қаратди. Бугун камбағалликни ҳал қилиш давлатлар учун стратегик вазифага айланиб, бу жараёнда ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати синовдан ўтатгани таъкидланди. Шу маънода, мажбурий форумнинг аҳамияти жуда катта. Чунки у нафақат миллий ислохотларни, балки жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликдаги ташаббусларни ҳам қамраб олмақда.

Мажбурий форумнинг аҳамияти шундаки, у камбағалликка қарши курашда комплекс ёндашуви муҳокама қилиш учун глобал майдон яратиб берди. Форум доирасида

давлатимиз раҳбари таъкидлаган етти таъсирдор йўналиш — барқарор иш ўринлари яратиш, сифатли таълим, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, инфратузилмани ривожлантириш ва давлат харажатларини самарали йўналтириш долзарб мавзулар сифатида қайд этилди.

Халқаро форумда бу жараённинг асосий йўналишлари ва истиқболлари кенг муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг мазмун-моҳиятига ҳам тўхталиб, бу дастур етти таъсирдор йўналишни қамраб олган. Биринчидан, камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун шароит яратилимоқда.

Фаол инвестиция сиёсати туфайли шу йилнинг ўзида 35 миллиард доллар сармоя эвазига 9000 дан ортиқ янги корхона, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўрни очилмоқда. Давлат бизнесга шароит яратиб берапти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд

аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмакчи бўлмоқда. Бундай самарали ҳамкорлик туфайли жорий йилнинг ўзида 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий ишга жойлашди.

Иккинчидан, сифатли таълим инсон капиталини ривожлантириш, узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартиришнинг асосий “драйвери” бўлиб қолади. Хусусан, камбағал оила болаларини мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароит яратилди. Бундай оилалар фарзандлари учун хорижий тил ва касб-ҳунар ўрганишга сарфланадиган харажатнинг 80 фоизи қоплаб берилди. Сўнгги беш йилда 800 мингдан зиёд фуқаро замонавий касбларга ўқитилиб, юқори даромадли ишларга жойлаштирилган. Энди Касбга тайёрлаш халқаро марказлари ташкил этилиб, битирувчиларига хорижда тан олинадиган сертификатлар берилди.

Учинчидан, хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис, талаба қизларга фойсиз кредит ажратиш,

магистратурада бепул таълим олиш имконияти яратилди. Бугун талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг аёл ишли бўлди. Бу ишлар изчил давом эттирилади. Жумладан, “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг қиз ахборот технологиялари, финтех ва сунъий интеллект бўйича ўқитилади. Жорий йил аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард доллар ажратилди. Келаси йили яна 2 миллион аёлни доимий даромадли қилиш чоралари қўрилади.

Тўртинчидан, аҳоли саломатлиги муҳофаза қилиниб, имкониятлари тўлақонли юзага чиқаришмоқда. Жумладан, 140 минг камбағал оилаларга шифокор бериқтирилиб, йилига бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Энди қафолатланган тиббий хизматлар кўпайтирилиб, камбағал оилаларнинг бунга сарфланадиган харажати 2 баробар қисқартирилади. Бунда уларга бепул дори ва қафолатланган тиббий хизматлар пакети тақдим этилади.

Давоми 3-бетда

Ҳамкорлик истиқболлари МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ИЛМ АҲЛИ МАШВАРАТИ

Президентимиз жорий йил 7 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилотининг Габала шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон Туркий университетлар иттифоқиغا 2025-2026 йилларда раислик қилиши даврида “Туркий илм-фан ва инновациялар қунари”ни ўтказиш таклифини билдирган эди. Ана шу хайрли ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида пойтахтимизда Туркий университетлар иттифоқининг 8-Бош Ассамблеяси ташкил этилди.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш, экология, маданият, илмий-техникавий, таълим ва бошқа кўпгина жабҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фан, техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт ҳамда туризм соҳаларида ҳамкорликни

кенгайтириш, туркий халқларнинг буюк тарихи, маданиятини кенг тарғиб қилиш ташкилот кун тартибидagi масалалардан бўлиб келаётди. Туркий университетлар иттифоқининг Бош Ассамблеяси ана шу эзгу ишларнинг мантикий давоми бўлди.

Давоми 5-бетда

Инсон қадри учун ЁЗЁВОНДА ОДАМЛАР ҲАЁТИ ҲАМ, ДУНЁҚАРАШИ ҲАМ ЎЗГАРМОҚДА

Ўтган асрнинг ўрталарида кум бархани ўрнида бунёд этилган Ёзёвон тумани ҳақида гап кетса, “Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди”, дея таъриф берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Марказий Фарғона ерларининг қоқ марказидаги ҳудуднинг иссиқ ҳарорати ва изгириин шамолида жон сақлаш осон бўлмаган. Яхши умид ва эзгу мақсад йўлида бу ерни ватан тутган ёзёвонликлар чўлини ўзлаштириб, обод масканга айлантирди.

Давоми 4-бетда



Янги Ўзбекистон

КЎЗГУ

www.yuz.uz

yuz.uznews

Муштарак мақсадлар тараққиётга элтади

Пойтахтимизда туркий давлатлар илм аҳли машварати

Бошланиши 1-бетда

Тадбирда янги университетларнинг иттифоққа аъзолиги, Туркий университетлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар, доимий котибият ва махсус дастур жамғармасини ташкил этиш, илмий тадқиқот, инновацион йўналишдаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Асосий муҳокамалардан сўнг Тошкент халқаро университетига иттифоққа аъзо Ўзбекистон университетлари кўргазмаси ва U2U шаклидаги учрашувлар ташкил этилди. Тошкент давлат шарқшунослик университетига “Қорахонийлар — Алл Эр Тўнга (Афросиёб) авлодлари: қорахонийлар давридаги туркий ва ислом олами” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди.

Кўнғиротбой ШАРИПОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазири:



— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар, таълим ва илм-фанга оид келишувларни тизимли амалга ошириш барчамизга бирдек масъулият юклайди.

Ушбу алоқаларни мустаҳкамлаш ва белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 100 дан зиёд университетни қамраб олган Туркий университетлар иттифоқининг навбатдаги Ассамблеяси пойтахтимизда ўтказилгани мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қўламинин кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳозир Туркий университетлар иттифоқи-га Ўзбекистондан 11 та ОТМ аъзо. Навбатдаги тадбир доирасида мамлакатимизнинг яна 7 та олийгоҳи унга аъзо бўлди. Бу мамлакатимиз ОТМларининг туркий давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, илмий ва таълим соҳасида алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Яна бир муҳим қадам сифатида Ўзбекистонда Туркий давлатлар халқаро университети фаолиятини бошлаганини айтиш мумкин. Албатта, бу университет мамлакатларимиз ўртасида олий таълим ва илм-фан соҳасида ҳамкорлигини мустаҳкамловчи кўприк вазифасини ўтайди.

Шу ўринда мамлакатимизда таълим ва фан соҳасидаги кенг қўламли ислохотларга тўхталиш жоиз. Жумладан, олий таълим тизимида асосий эътибор ёшларимизнинг таълим олиши учун кенг имконият ва зарур шaroит яратишга қаратилмоқда. Натижада ОТМлар сони 204 тага етказилди. Уларга қабул 1,5 баробар ортди. 20 та ОТМнинг 86 та таълим дастури халқаро аккредитация-

Яқин ўтмишда олий таълим тизими кўп жиҳатдан жамиятнинг ривожланиши эҳтиёжларидан узоқлашиб, фақат “диплом бериш фабрикаси”га айланиб қолгани сир эмас. Кўп битирувчилар етарлича амалий тайёргарликка эга эмаслиги туфайли кадрлар етишмовчилиги, замонавий технология ва инновация билан боғлиқ кўникмалар заифлиги кузатилади. Бу эса ишлаб чиқариш тармоқларида импорт технологияларга чўқур қарамаликни келтириб чиқарди.

Маҳаллий ишланма ва илмий натижаларни амалиётда қўллашни кескин пасайтириб юборди. Бироқ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик ташкил этилиши давлат таълим сиёсатида туб бурилиш ясади. Негат? Чунки бу билан учта йўналиш бир тизимга уйғунлаштирилди. Яъни илмий салоҳиятни тараққиётнинг асосий драйверига айлантириш, фанни ривожлантириш орқали таълим мазмунини янгилаш, инновацияларни иқтисодиётга интеграция қилиш вазифаси қўйилди.

Ҳақиқатан, фан ва илмий фаолиятнинг олий таълимнинг асосий ҳамда узвий қисми-га айланиши тараққиёт учун энг муҳим стратегик омиллардан биридир. Чунки жаҳон тажрибаси ҳам кўрсатадики, инновацияга асосланган иқтисодиётга эга давлатлар айнан университетлари кучли илмий ишланмалар марказига айлантириш орқали юксак тараққиётга эришган.

Дунёда университетлар илмий тадқиқот салоҳиятидан самарали фойдаланилди. Масалан, АҚШда ҳозир амалда бўлган юқори технологияли ишланмаларнинг

Ҳамкорлик истиқболлари



дан ўтказилди. 2000 дан ортиқ таълим дастури етакчи 300 та университет дастурларига мослаштирилди. Нуфузли 500 талikka кирган университетлар билан 17 та қўшма таълим дастури йўлга қўйилди. ОТМларда 10 та (яшил энергетика, машинасозлик, сунъий интеллект, транспорт, қурилиш ва sanoat) муҳандислик мактаби очилди. “QS” халқаро рейтингидан 7 та, “Times Higher Education” халқаро рейтингидан эса 4 та ОТМ жой олди.

Бундан ташқари, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар билан олий таълим соҳасида икки томонлама ҳамкорлик кенг ривожланиб бормоқда. Жумладан, Туркия иқтисодиёт ва технологиялар университетининг Тошкентдаги филиали, Бухоро давлат тиббиёт институти негизида Туркиянинг Соғлиқ билимлари университетининг тиббиёт факультети очилди.

Шу билан бирга, 2024 йилда Ўзбекистон — Туркия учинчи таълим форуми Истанбул шаҳрида ўтказилиб, икки мамлакат олий-гоҳлари ўртасида 50 та келишув имзоланди.

Озарбайжон олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик туркий тили давлатлар тарихи, адабиёти, бадийи, муслиқий ижод, исломшунослик, тиббиёт, туризм, қурилиш, архитектура, дизайн, нефть ва газ иши ҳамда бошқа соҳаларни қамраб олади.

2025 йил май ойида Андижон шаҳрида Ўзбекистон ва Озарбайжон олий таълим муассасалари ректорларининг биринчи форуми бўлиб ўтди. Икки давлат ўртасида тил, санъат ва маданият соҳаларидаги алоқалар доирасида тадқиқот ҳамда маданият марказлари ташкил этилди. Қозғистон билан ҳам ҳамкорлик доирасида муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, Чирчиқ ва Олмаота шаҳарларида қўшма филиаллар фаолият бошлади. Кирғиз Республикаси билан 2024 йилда икки давлат ОТМларининг иккинчи форуми ташкил этилиб, яқунда 30 та ҳамкорлик шартномаси имзоланган. 2023 йили Ўзбекистон ва Венгрия ректорларининг иккинчи форуми ўтказилиб, Венгриянинг 26 та олий ўқув юрти иштирок этди ҳамда

форум доирасида 31 та университетлараро шартнома имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасида доимий ташкил этилаётган форумлар таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасида ҳамкорлигини мустаҳкамламоқда. Амалга оширилаётган лойиҳалар таълим соҳасидаги минтақавий ҳамкорлигини жадаллаштиришга катта туртки бўлиб келмоқда.

Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ, Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби:



— Туркий давлатлар университетлари иттифоқининг навбатдаги Бош Ассамблеяси Тошкентда ўтказилишида рамзий маъно бор. Зеро, Тошкент азал-азалдан илм-фан ва маданият маркази бўлиб келган.

Яқинда Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг Габала шаҳрида ўтказилган йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев 2025-2026 йилларда Ўзбекистон 100 дан ортиқ таълим муассасасини бирлаштирган Туркий университетлар иттифоқи раислик қилишини таъкидлади. Ўзбекистон раислиги даврида “Туркий илм-фан ва инновациялар кунлари”ни ўтказиш ниятида эканини маълум қилди. Бу халқаро тажриба ва фан-таълим йўналишларидаги ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириши билан аҳамиятлидир.

Бу тадбир талабалар ва олимлар алмашинувига йўналтирилган дастурларни янада ривожлантиради. Туркий давлатлар олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик нафақат таълим соҳаси ривожига, балки умумий маданий ва маънавий бирдамлигимизга ҳам катта ҳисса қўшади.



2025 йил 17 октябрь, 213-сон

Шаҳин МУСТАФАЕВ, Халқаро туркий академия президенти: — Туркий университетлар иттифоқининг ташкил этилиши, шубҳасиз, туркий давлатлардаги университетларни умумий қараш атрофида бирлаштириш ва академик ҳамкорлигини институционаллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.



Бугун туркий давлатлардан 100 дан ортиқ етакчи университетни ўзида бирлаштирган Туркий университетлар иттифоқи зиммасига жуда муҳим вазифалар юкланмоқда. Бу ташкилот нафақат университетлараро ҳамкорлик, балки глобал олий таълим ривожига ҳам етакчи муассасага айлана олади. Бош Ассамблеяда қабул қилинган қарорлар ушбу мақсадга эришиш йўлидаги муҳим босқич сифатида баҳоланмоқда.

Биз ҳам Халқаро туркий академия сифатида зиммамиздаги вазифани бажариш ва жараёнга фаол ҳисса қўшишга қатъий қарор қилганимиз. Шу доирада умумий туркий алифбо, туркий давлатлар тарихи, туркий тиллар ва маданият, туркий давлатлар дунёси иқтисодиёти, барқарор ривожланиши бўйича қўшма лойиҳалар, нашрлар, дарсликлар тайёрланишига бошчилик қилиш, олимларни бирлаштириш ҳамда ёш олимлар учун ёзги мактабларни ташкил этиш, турк дунёсида умумий таълим ва фан концепциясини барпо этишга қаратилган сайё-ҳаракатларимиз бунга мисол бўла олади.

Искандар ЙЎЛДОШЕВ, Тошкент халқаро университети ректори:



— Тошкент халқаро университети раислигида Туркий университетлар иттифоқининг 8-Бош Ассамблеясида 70 га яқин ОТМ вакиллари, жумладан, 200 га яқин ректор ва олимлар иштирок этди. Ушбу тадбир мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштиришга ёрдам беради. Чунки туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик,

ўзаро таълим, тадқиқот, илм алмашинуви нафақат талабалар, балки ўқитувчи-ҳодимлар учун ҳам янги имкониятлар эшигини очишга ёрдам беради.

Тадбир доирасида Ўзбекистон университетлари кўргазмаси ташкил этилди. Икки кун давом этган йиғилишда қатор келишувларга эришилди.

Туркий давлатлар иттифоқида кирувчи университетларнинг ривожланиши, ўзаро ишлаши бўйича “йўл харитаси” тузилди ва ҳамкорлигининг янги йўналишлари келишиб олинди.

Шаҳин СЎЗЕН, Туркиянинг Токат Газисманпаша университети ректори маслаҳатчиси:



— Туркий университетлар иттифоқи алмашинув дастурларини ташкил этиш ва туркий давлатлар, жумладан, туркий тилларда сўзлашувчи халқлар орасида талабалар ҳаракатланишига кўмаклашишга қаратилган ташкилотдир. Бу туркий давлатлар ва туркий жамиятлар учун жуда муҳим деб биламан. Шу маънода, ушбу учрашув катта имкониятлар ва эзгу ишларга йўл очишга ишонаман.

Бугунги глобаллашган дунёда олий таълим тизими учун халқаро ҳамкорлик ва алмашинув дастурлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Алмашинув дастурлари доирасида талабалар хорижий мамлакатларда ўқиш ва илмий фаолият юритиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўрганиш имконига эга бўлади.

Адалат МУРОДОВ, Озарбайжон давлат иқтисодиёт университети ректори:

— Туркий университетлар иттифоқи Бош Ассамблеяси университетларимиз ўртасида-



ги илмий алоқаларни ривожлантиришда улкан салоҳият мавжудлигини қўрсатди.

Ассамблея жуда юқори савияда ташкил этилган. Бу турли университетлар ректорлари



учрашиб, ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиши учун жуда қулай платформа.

Ишончим комилки, иттифоқнинг истиқболи порлок. Унинг аъзолари сони кўпайиб боради. Бу эса ҳамкорликда катта муваффақиятларга эришишимиз учун яхши имконият.



Золтан ЛАКНЕР, Венгрия аграр ва амалий биология фанлари университети профессори:

— Биз Туркий университетлар иттифоқи-га қўшилишни режалаштиратимиз. Чунки бу иттифоқ жадал ривожланётган ушбу минтақа билан халқаро алоқаларимизни кенгайтириш имкониятини беради.

Шунингдек, бу Венгрия ҳукуматининг ташқи сиёсий тамойилларига мос келади. Шу маънода, туркий тили мамлакатлар университетлари билан ҳамкорлик ва алоқаларни кенгайтириш биз учун жуда муҳим.

Ушбу иттифоқ доирасида ўзаро манфаатлар асосида муносабатларимизни янада ривожлантиришимиз мумкин. “Stipendium Hungaricum” дастури доирасида Марказий Осиё талабаларига Венгрия университетларида тахсил олиш имконияти яратилган. Университетларимизда бакалаврият, магистратура ва докторантура босқичларида таълим олиш мумкин. Мазкур учрашув ана шу алоқаларни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.



Ақмарал САНДИБАЕВА, Қозғистоннинг Туркстон шаҳридаги Халқаро туризм ва меҳмондўстлик университети профессори:

— Анжуман доирасида олий ўқув юрглари ҳамда Халқаро туркий академия билан очиқ мулоқот кечди. Таълим ва маданият соҳаларида туркий давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги, интеграцияси бўйича тажриба ва фикр алмашилди.

Бу нафақат маданий ёки ижтимоий жиҳатдан, балки иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бу ерга туркий давлатларнинг етакчи олимлари йиғилди. Катта тажриба ва фикр алмашинуви асосида келгусидаги интеграция, туркий давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун тадқиқот ишлари ва бу борадаги нуқтани назарлар тақдим этилди. Юқори савияда ташкил этилган тадбир ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига замин ҳозирлайди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

Олий таълимнинг стратегик қўллаб-қувватлаш даврнинг устувор йўналиши



Ҳабибжон ҚЎШИЕВ, биология фанлари доктори, профессор

90 фоизга яқини MIT (Massachusetts Institute of Technology), Стэнфорд, Гарвард ёки Беркли университетларида яратилган ёки шу муассасалар илмий тадқиқот фаолиятида илдиэ отган. Стэнфорд университети атрофидаги тадқиқот лабораториялари ва стартап муҳити ўз вақтида Силикон vodiysi барпо этилишига замин яратган эди. Бугун эса Силикон vodiysi АҚШ иқтисодиётидаги экспортбоп инновацияларнинг 40 фоиздан ортгинини таъминлайди.

Европада ҳам худди шундай ривожланиш кузатилади. Мисол учун, Германияда Мюнхен техник университети ва Фраунгофер институти жамоаси иқтисодиётнинг замонавий sanoat кластерларини яратган.

Ислохот одимлари

2019 йилда Фраунгофер институтининг илмий тадқиқотлари ва улар асосида ташкил этилган кичик инновацион корхоналар Германияда 25 миллиард евро қўшимча ялпи ички маҳсулот киритишга ҳисса қўшган. Финляндияда Aalto University атрофидаги илмий ва стартап муҳити миллий технологик экспортнинг 30 фоизга яқин қисмини таъминлайди.

Бугунги кунда халқаро таълим майдонида етакчилигини мақсад қилган давлатлар (Сингапур, Жанубий Корея, Хитой) университетларини фақат кадр тайёрловчи эмас, тадқиқот ва инновация маркази сифатида қайта ташкил этиб, уларнинг бюджети ҳамда моддий-техник базасини sanoat билан интеграция қилмоқда. Айтилики, Сингапурда NUS (National University of Singapore) университети илмий тадқиқот ва стартаплардан йилга 2 миллиард доллардан ортиқ даромад қилади.

Шу боис, Ўзбекистонда ҳам университетларнинг илмий тадқиқот салоҳиятини кучайтириш замон талабига айланган. Таълимни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш, ўқув жараёнини кредит-модуль талаблари асосида “кун давомида билим олиш” тизимига, яъни горизонтал (сменали) ўқув жараёнидан вертикал (сменасиз)га ўтказиш мақсадга мувофиқ. Гарчи талабалар сони кўп бўлса-да, ўқув жараёнини вертикал тизимга ўтказиш жуда оддий. Бу талабаларнинг илм, фан ҳамда ишлаб чиқаришга бўлган қизиқини оширади. Бўш вақтини билим олишга

ва соҳаси бўйича ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини беради.

“Илм орқали билим” модели. Бизнингча, ҳар бир университетда илмий лабораториялар, тадқиқот марказлари ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари яратиш нафақат профессор-ўқитувчилар салоҳиятини оширади, балки талабаларнинг илмий ишланмалардаги иштирокини

таъминлайди. Бундай муҳитда билимлар сунъий, яъни фақат назарий материал ёки таржима қилинган мақолалар орқали эмас, балки ҳақиқий тадқиқот натижалари, тажриба ва амалий янгилликлар билан шаклланади. Натижада битирувчи лабораторияда бир неча тажриба ўтказган, патентлаш жараёнида иштирок этган, стартап гоёлар билан таниш ва ишланмани жорий этиш механизмларини билувчи мутахассис сифатида етишиб чиқади. Бу университетнинг халқаро рейтингини кескин кўтаринишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

6

2025 йил
17 октябрь, 213-сон

21 октябрь -
Ўзбек тили байрами кўни

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамкорлигида “Ўзбек ҳарбий атамашунослиги: бугунги ҳолати ва истиқболлари” мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ҲАРБИЙ АТАМАЛАР ТАРИХИ ЧУҚУР ИЛДИЗЛАРГА ЭГА

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсати-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқлан-ган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини тако-миллаштириш концепциясида “илмий асосланган янги сўз ва атамалар мунтазам равишда расмий муомалага кири-тиб борилиши” алоҳида қайд этилган.

Ўзбек тили байрами кўни муносабати билан ташкил этилган юқоридagi тадбир ушбу вазифалар, шунингдек, юртимизда ҳарбий соҳа ва давлат тили сиёсатининг уйғунлиги, хусусан, истиқлол даврида ҳарбий атамаларни миллийлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар, айни кунда соҳа олдида турган долзарб маса-лалар хусусида фикр алмашиш учун ўзига хос майдон вазифасини ўтади.

Жорий йилнинг август ойида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комис-сияси илмий асосланган янги сўз ва ата-маларнинг бир туркуми (40 та бирикни)ни кўриб чиқиб, уларни расмий муомалага киритиш юзасидан қарор чиқарган эди. “Ўзбек ҳарбий атамашунослиги: бугунги ҳолати ва истиқболлари”га бағишланган давра суҳбатиди бу ишлар тизимли давом эттирилиши урғуланди. Жумладан, Вази-рлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривож-лантириш департаменти масъул ходими, филология фанлари бўйича фалсафа док-тори Нодирбек Жўрақўзиев соҳада амалга оширилаётган методологик ишлар ва янги-ланган ҳарбий атамаларни амалиётга тат-биқ этиш жараёنлари ҳақида сўз юритди.

Давра суҳбатиди филология фанлари номзоди, доцент Ҳамид Ёдгоров “Ис-тиқлол даври ҳарбий атамашунослигининг тарихий илдизлари” мавзусидаги маърузаси билан иштирок этиб, ўзбек ҳар-бий атамаларининг илдизлари қадимий ёдгорликларга, хусусан, “Девону луғотит турк” ва “Қутадғу билиг” каби асарлар-даги лексик бирикларга бориб тақали-ши, Соҳибқирон Амир Темури даврида эса ҳарбий атамалар янада такомиллашган ҳақида қизиқарли маълумотлар билан ўр-тоқлашди.

Филология фанлари доктори Абдуман-нон Ҳасанов эса “Ҳарбий соҳага оид ата-маларни ўзбекчалаштириш масалалари” мавзусидаги маърузасида истиқлол даври-да ҳарбий луғатчилик, термин яратиш ва таржима соҳасидаги асосий илмий йўна-лишлар ҳақида тўхталиб ўтди.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05



“ЎҒИЛ БОЛА МАРД ВА КУЧЛИ БЎЛИШИ КЕРАК”

ЮРТНИНГ ЖЎМАРД ҚАҲРАМОНИ МАЪРУФЖОН РАЖАБОВНИ ЭСЛАБ

Ёшлигимизда онам “Эртага Булунғурга, тоғангларикига борамиз” деса, хурсандчилигимиз ичимизга сиғмай кетарди. Гўё узоққа кетаётгандек тайёргарликни бошлардик. Булунғур ва биз яшаб турган Пайариқ тумани ораси жуда узок эмас, нари борса бир соатлик йўл бўлса-да, болалигимизда биз учун олис сафардек туюларди. Тоғаларимизникида бир кундан меҳмон бўлсак, хамида уч-тўрт кун қолиб кетар эдик. Айниқса, Аҳмад тоғамникида меҳмон бўлиш биз учун ўзгача завқ бағишларди. Сабаби тоғамнинг кичик ўғли Маъруфжон акам спорт билан мунтазам шуғулланар ва ҳар сафар борганимизда бизга ҳам машқлар бажартирар, қийналсак-да бу жараёни яна соғинардик.

Бир сафар ўзи шуғулланиб, бизга ҳам обдан машқлар бажартиргач, ҳовлидаги турникка бошлаб борди. Баланд турник-ка бўйим етмагач, мени кўтариб, осил-тириб қўйди. Икки-уч марта турникка тортилганимдан кейин бошқа кучим ет-мади.

— Тушма, яна ҳаракат қил, — дея Маъ-руфжон акам тушишимга йўл қўймади.

— Кучим қолмади, — дедим йиғла-дек бўлиб.

— Ўғил бола мард ва кучли бўлиши ке-рак, ҳаракат қил.

У машқларда қаттиққўл бўлса-да, ўзи табиатан меҳрибон эди. Қийналганимни кўриб, оҳиста ерга тушириб қўйди. Елкам-дан туртиб, бир оз дакки берди.

— Кўпроқ машқ қилсанг, эртага ўзинг-га фойда, ҳам кучли, ҳам соғлом бўласан. Бўпти, энди навбат бокс машғулотига, — дея бизни алоҳида жиҳозланган хонага бошладди.

Бу хонада турли спорт анжомлари бир-лан бирга бокс қўлқоплари, зарбадан мах-сус ҳимоя воситалари бор эди. Бизга турли



66 Маъруфжон акам муддатли ҳарбий хизматни тугатиб келганидан кейин ўзи орзу қилганидек, шартнома асосида ҳарбийликда қолди. Ҳар сафар тоғамникига борганимда унинг ўша спорт хонасига бирров кириб чиқаман, ҳовлидаги турник олдида қийналиб машқ бажарганимизни эслайман. Таътил олиб келса, кўришга келаман дея кўнглимга тугиб, тоғам ва янгам билан суҳбатлашиб қайтардим.

кейин шартнома асосида қолмоқчи, — дея Аҳмад тоғам бир оз ўйга чўмди ва сўзида давом этди. — Болалар ҳарбийликни орзу қилди. Худога шукр, иккиси ҳам ватан ҳи-моясида. Маъруфжонни шартнома асосида қолишига қаршиликим йўқ. Акасига ҳавас

ва Тошкент вилоятининг Қозоғистон билан чегара ҳудудида хизматни ўтай бошладим. Ўша йили август ойида мам-лакатимизнинг жанубий сарҳади — Су-рхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида юртимизга суқилиб қирмоқчи бўлган бир гуруҳ террорчи жангарилар ҳақида эшит-дик. Армиямиз ўғлонлари бу хавфни бар-тараф этиш учун жангга киришди. Душ-манлар ниятига эришолмади. Ўша вақтда Маъруфжон акам Мудофаа вазирлиги-нинг махсус кучлар батальонида шарт-нома асосида хизмат қилар эди. Афсуски, ғаним билан курашда кўксини қалқон қи-либ, мардларча ҳалок бўлган қаҳрамонлар ҳам бор эди. Уларнинг номи газеталарда эълон қилинганда ҳалок бўлганлар ора-сида катта сержант Маъруфжон Ражабов номини ўқиганим, қаттиқ тушқунликка тушганим ҳамон ёдимда. Тоғам, айниқса, Шакарбону янгамнинг соғинчи мангу-ликка юз тутганидан ўқиндим.

Ўша вақтда Маъруфжон Ражабовнинг расми газеталарда эълон қилинди ва жан-говар ҳаракатларда душман билан мар-донавор курашиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида ёзилди. Ҳарбий хизмат-далигимиз вақтида “Ватанпарвар” газе-таси домийи ҳамроҳимиз эди. Ҳаваскорлик билан ёзган шеъримиз газета саҳи-фаларида чоп этилиб турарди. Эсимда, ўша йили Сурхондарё жанубий қисмида жангарилар билан жангда ҳалок бўлган Маъруфжон Ражабов ва сафдошлари ҳақи-да ёзган “Сиз жасур эдингиз” шеърини “Ва-танпарвар” газетасида чоп этилди. Ушбу шеър ва Маъруфжон акамнинг газетадан қирқиб олинган расмини ҳарбий хизмат-дан эсдалик альбомимга ёнма-ён ёпишти-риб қўйганман. Ҳаваскорона ёзилган шеър бўлса-да, шу ўринда келтиришнинг жоиз деб билдим.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқини — 21:27 Топширилди — 23:35

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.
34751 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.